

**239--сонли шартнома**  
**«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун**

«05» январ 2021й.

Ушбу шартномани «Бухоро сув таъминот» МЧЖ Бухоро шаҳар филиали, кейинги ўринларда «Сув таъминот» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_ шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи вилоят Бандлик бош бошқармасим номидан иккинчи томондан Устав, ишончнома асосида иш олиб боровчи раҳбари А.А.Хамроев, иштирокида қуйидагилар ҳақида тузилди:

**I. Шартнома предмети**

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матинда II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 7460 нарх бўйича 160,5 м<sup>3</sup>ни:

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 4370 сўм (+ҚҚС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ)ни;

1 м<sup>3</sup> оқова сув учун 2990 сўм (+ҚҚС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда.

Шу тариқа шартноманинг умумий қиймати 1197330,00 сўмни ташкил қилди. (Бир миллион бир юз туксон икки минг уч юз йигирма )

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 1197330,00 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан 00 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Сув таъминот» томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Сув таъминот» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Сув таъминот»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тариқасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган махсус устама ҳақи 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 4420 сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун 3040 сўм билан бирга «Сув таъминот» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

**II. Умумий қоидалар**

2.1. «Истеъмолчи» «Сув таъминот» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Сув таъминот» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Сув таъминот» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларни суғориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, Сув таъминот ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнғинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш



ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.7. «Истеъмомолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмомолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмомол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмомол қилинганда, «Сув таъминот» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг кайта таъмирлаш (реконструкцияси), ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмомолчиларининг уланиши «Истеъмомолчи» томонидан фақат «Сув таъминот» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмомолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Сув таъминот»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмомолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Сув таъминот» томонидан, «Истеъмомолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмомолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб қолади ва «Истеъмомолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қуйидагилар «Сув таъминот» ташкилотлари билан «Истеъмомолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа уланишини узиб қўювчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмомолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмомолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи оқова қудуғи (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Сув таъминот» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмомолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. «Истеъмомолчи»нинг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Сув таъминот» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Сув таъминот» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Сув таъминот» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Сув таъминот» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

#### **3.2. «Истеъмомолчи»нинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;



3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқава тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқава тармоқларида ёки «Сув таъминот» ташкилотиди, ичимлик сув ва оқованинг ташқи тармоқларида авария (тиқилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;

3.2.3. «Сув таъминот» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Сув таъминот» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. Шахар сув билан таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғига уланишдан олдин, «Сув таъминот»дан белгиланган тартиб асосида (ДХМнинг хати асосида) Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш ёки оқава сувларни узатиш тармоғининг ва ўзига тегишли шахар сув тармоғига уланган барча объектларнинг жойлашиш лойиҳасини тақдим этади. «Истеъмолчи» шахар сув ёки оқава сувларни узатиш тармоғига уланиш ёки ундан узилиш харажатларини ўз зиммасига олади.

3.2.5. «Сув таъминот» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликни буйнига олади;

3.2.6. Шахар сув тармоғига уланган ҳар бир қувурига сув ўлчаш йиғмаси (сув ўлчаш ва сув тутқич асбоби)ни Қоида асосида қулай ва ҳимояланган жойда, ўрнатиладиган сув ўлчагич шартли ўтказмаси (калибри)нинг диаметри «Сув таъминот»нинг ҳисоб-китоби билан аниқланиб, объектнинг максимал ва минимал сув истеъмоли текширилгач, тегишли рухсатнома берилгач ўрнатишни амалга оширади. Сув ўлчагич йиғмасини харид қилиш ва уни ўрнатиш билан боғлиқ барча сарф харажат «Истеъмолчи» зиммасига бўлиб, у сув ўлчагич қурилмаси, унинг техник соз ҳолати бўйича жавобгар ҳисобланади ва ўлчагични Давлат стандарти кўригидан ўтказиш сертификатини амал қилиш муддати ўтишидан 1 ой олдин бу ҳақда хабар беради, ўлчагични турига қараб, ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади. «Истеъмолчи»га бу учун 1 ой муҳлат берилади, белгиланган муддат ичида қиёсловдан ўтказилмаган тақдирда сув сарфи шартномани 6.2 бандига асосан ҳисобланади.

3.2.7. Истеъмолчи сув ўлчагич йиғмасидаги муҳрларнинг сақланишини назорат қилади ва бузилган ёки сув ўлчагич ишдан чиққан ҳолларда «Сув таъминот»га зудлик билан ёзма равишда хабар беришни ўз зиммасига олади. Хабар берилмаган тақдирда ёки «Сув таъминот» ходимлари томонидан аниқланган ҳолатда сув сарфи белгиланган тартиб асосида ҳисобланади (шартноманинг 6.2 банди). Сув ўлчаш асбоблари «Ўзстандарт» органлари ёки уларнинг ваколатли корхоналари томонидан текширилишини, муҳрланишини ҳамда доимий текширувидан ўтишини ўз ҳисобидан таъминлайди. Сув ўлчаш асбобини таъмирлаш ёки алмаштириш, текшириш мақсадида ечиб олишдан олдин «Сув таъминот»сув ўлчагични охириги кўрсатмаларни ёзма тасдиқлайди.

3.2.8. Ичимлик суви таъминотининг ёнғинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Сув таъминот» ташкилотига тамга узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни тамгалаш учун «Сув таъминот» ташкилоти вакилини чақариш шарт.

3.2.9. Мазкур шартнома имзоланиши жараёнида ўз қарори ва буйруғи билан (келгусида ўзгарган ҳолатида) ички сув етказиш тармоғига, сув ўлчагич асбобларига ва корхона ҳисоботларини тақдим этиш учун масъул бўлган жавобгар шахсини тайинлаб, «Сув таъминот»га уларни тақдим этади. Истеъмол даври бошланиши ва келгуси хар йил бошида ойлик сув истеъмол миқдорини «Сув таъминот» билан келишиб, тасдиқлайди.

3.2.10. «Сув таъминот» вакилини сув ўлчаш асбоби ўрнатилган жойини ва сув тармоғини исталган пайтда бирор бир тускинликсиз кўздан кечиришни таъминлаши шарт. Акс ҳолда жорий ой учун сув сарфи шартномани 6.2 бандига асосан ҳисобланади.

3.2.11. Шахар сув тармоғига ноқонуний улангани, фойдаланилаётган сув ускуналарининг носозлиги ва ўз ҳудудидаги ичимлик сувидан беҳисоб, тежамсиз сарфлангани учун «қоидалар» асосида жавоб беради.

3.2.12. «Сув таъминот» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 20 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Сув таъминот»га кечикмаган ҳолда ҳисобот ойида сарфланган ичимлик суви бўйича ваколатли шахслар



шартнома бўйича кўрсатилган бошқа хизмат тўловларини ўз вақтида тўлаб боради. Ҳисобот белгиланган муддатда топширилмаганида шартноманинг 6.2 бандига асосан ва ёки ундаги маълумотлар камайтириб кўрсатилган ҳолларда эса ичимлик сув сарфи ҳисобот даври учун шартноманинг тегишли бандига асосан қайта ҳисобланиб, тўловга қабул қилинади. Агар ҳисобот тақдим этиш жараёнида, «Сув таъминот» ходими унда хатоликлар аниқлаб, тузатиш киритиб, нусхасини қайтаради. Истеъмомчи томонидан мазкур ўзгартириш, тузатишлар асосида ўзининг ҳисоботларини 3 кунлик муҳлатда «Сув таъминот»га қайта тақдим этиши шарт, акс ҳолда бу тузатишлар билан топширилган ҳисобот асосли, ҳақиқий деб ҳисобланишига олиб келади ва фойдаланилган миқдор учун тўловни амалга оширилишини талаб қилишга асос ҳисобланади.

### **3.3. «Сув таъминот» нинг ҳуқуқлари:**

3.3.1. «Сув таъминот» ташкилоти, истеъмомчини 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмомчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Сув таъминот» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Сув таъминот» ташкилоти талаблари истеъмомчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Сув таъминот» ташкилот мансабдор шахси истеъмомчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Сув таъминот» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмомчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Сув таъминот» ташкилоти томонидан истеъмомчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмомчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмомчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмомчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмомчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, қурилмаларига «Сув таъминот» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмомчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.2. Сув ўлчаш асбобларнинг кўрсаткичини, уларнинг муҳрини сақланишини ва бутунлигини кузатиб боради. Аниқланган камчиликлар юзасидан «Истеъмомчи»нинг вакили иштирокида далолатнома тузади ва «Истеъмомчи»га амал қилиш учун кўрсатмаларни беради. «Истеъмомчи» юқорида кўрсатилган ҳужжатга қўл қўйишдан бош тортса, далолатнома нусхаси унга топширилиб, бунда у ўзининг ёзма эътирозини асослаб 2 кунлик муддатда тақдим этиши шарт, акс ҳолда бир томонлама тузилган далолатнома қонуний ҳисобланиб, мазкур ойда ҳисоб китоб учун ҳисобхонага тўлов ундиришга қабул қилинади. Агар келгусида мавжуд қарздорлик ихтиёрий тўланмаса, ҳужжатлар иқтисодий судига белгиланган тартибда мурожаат қилишга асос бўлади

3.3.3. «Сув таъминот» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Сув таъминот» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнғин чиққан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат туғилганда.

### **3.4. «Сув таъминот»нинг мажбуриятлари:**

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмомчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқова тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда истеъмомчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;



3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Сув таъминот» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентни қўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимига оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этилмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.

#### **IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. «Сув таъминот» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса айбли қилмиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни ҳисобга олиш асбоби тамгалари бутлиги, айланиш чизиғи жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларининг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сақланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўзбошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш асбобларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Сув таъминот» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

4.3. «Сув таъминот» қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда;

в) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

#### **V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби**

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда, уни қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдордаги тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига ундирилади;



истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдори га тенг. марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудуқ, очиқ сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Сув таъминот» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудуқ, очиқ сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқишиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

5.8. Ушбу шартноманинг қуйида келтирилган чораклик, тахминий истеъмол ва тўлов жадвалида белгиланган миқдордан ошиқча ичимлик ва оқова сувлари сарф қилинса, у ҳолда бу ўзгаришлар ёзма тушунтириш билан тасдиқланиб, тўлов амалга оширилади. Истеъмолчи томонидан шартномада кўзда тутилган миқдордан ошиқча сарфи бўйича тўлов, тасдиқланган жадвал асосида эмас, балки Истеъмолчининг сув ўлчагичидан амалда ўтган

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 бюджет хисобидан тулов	1197330,00				1197330,00

ичимлик суви миқдорида амалга оширилади (алоҳида жарима қилинган ҳолатларини истисно этган ҳолда) Йил якунида ортиқча сарфга йўл қўйилса, у ҳолда бу ҳақда ёзма тушунтириш беришлиши ҳамда сарф қилинган ичимлик ва оқова сувлари учун амалдаги таърифни юқори миқдоридаги тўловларни амалга ошириши лозим.

## VI. Алоҳида шартлар.

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, истеъмолчи объектдан чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Сув таъминот» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб, ойнанинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги; Н – сувнинг метрлардаги босими; t – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйидаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисоб китоб юритилади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ (ёки носоз ҳолатда) бўлган ҳолатларда;

6.2.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси «Сув таъминот»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик сувидан ўзбошимчалик билан уланиб, фойдаланганда;



6.2.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув миқдори сўнги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Сув таъминот»нинг сув ўлчаш бўғини диаметри катта бўлганида, уни кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш асбобнинг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган ҳимоя қопламига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Сув таъминот» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Сув таъминот»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Сув таъминот» балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Сув таъминот» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Сув таъминот» томонидан ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ҳамда шу кабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Сув таъминот» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Сув таъминот» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари» ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент миқдор тартибда ҳисобланади. Истеъмолчида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 03 февралдаги №11 сонли Қарори бўйича белгиланган концентрация миқдори ҳақидаги коммунал-экологик норматив ҳужжат бўлиши керак

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқаришдаги оқова сувларини қабул қилиш қоидаларига кура, ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, ушбу шартномада ва Қоидада белгиланган муддатда дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади. 2019 йил 1 январдан бошлаб, атроф-муҳитни ифлослантириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқиндиларни жойлаштириш учун компенсация тўловларининг канализация ташланмаларига таалуқли қисми Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал



хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 25 мартдаги №247 сонли Қарорига асосан ундирилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Сув таъминот»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар давлат рўйхатидан ўтган ҳудуддаги суд органларида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.


9.2 Шартнома ёзначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 05 январ 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

### X. Тарафларнинг юридик манзили:

«СУВ ТАЪМИНОТ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Бухоро вилоят Бандлик бош бошқармаси  
Манзил Бух.ш.И.Каримов куч.№ 1 уй  
Тел: (65) 221-58-06, факс 65 221-53-55  
Ҳаз/ҳ-р 2340200030000001010  
Банк Тошкент ш.Марказий б.ХККМ  
Банк коди 00014 СТИР 201122919  
ХҲТУТ-  
Шахсий х/варағи  
100021860064017109120141001



Банк Марказий б.Тошкент ш.  
Банк коди 00014 СТИР 201514929  
Бух.вил.ёзначилик бош бошқармаси

Раҳбар \_\_\_\_\_  
М.Ў. \_\_\_\_\_ (Ф.И.О. имзо)  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202 \_\_\_\_\_ й.

Раҳбар \_\_\_\_\_ А.А.Хамроев \_\_\_\_\_  
М.Ў. \_\_\_\_\_ (имзо)  
« 05 » \_\_\_\_\_ январ \_\_\_\_\_ 2022 \_\_\_\_\_ й.

### Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган, уни имзолаб, амалда фойдаланса бўлади.

Юрисконсулт: \_\_\_\_\_

« 5 » \_\_\_\_\_ 2022 \_\_\_\_\_ й.